



«Dunyoda ilmdan boshqa najot yo'q va  
hech qachon bo'lmagay». *Imom Buxoriy*



# IMOM BUXORIY SABOQLARI

*ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal*



## 28

*O'zbekiston Respublikasi  
Davlat mustaqilligiga 28 yil*

*"Jonajon O'zbekistonim, mangu bo'l omon!"*

IMOM  
BUXORIY  
XALQARO ILMIY-  
TADQIQOT MARKAZI  
NASHRI

3/2019

## Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. «Асрлар қаъридан таралаётган зиё».....	3
--	---

### АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Бахтиёр ТУРАЕВ. Тасаввуф таълимотининг Даҳбед мактаби.....	5
Азизхўжа ИНОЯТОВ. Имом Бухорийнинг тафсир илмига қўшган ҳиссаси.....	6
Адолат ЗИЁТОВА. Тасаввуфни англаш – ҳаёт моҳиятини англаш демакдир.....	8
Гавҳар СУВОНКУЛОВА. Маҳдуми Аъзам ижодида ахлоқий қарашларнинг акс этиши.....	10
Нодиржон АБДУЛАХАТОВ. Бухорий домла – Мирхалил Марғиноний.....	11
Саъийдулла ЖАМАЛОВ. Абдулхай Лакнавийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти.....	13
Сухроб ЭРГАШЕВ. Аждодлар меросига садоқат.....	15
Тоҳир ЭВАДУЛЛАЕВ. Муҳаммад ибн Абу Бакр – бухоролик буюк аллома.....	17
Бузахро БЕГМАТОВА. Фикҳий терминлар таржимасида сўз танлаш маҳорати (Бурхониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари таржимаси мисолида).....	20
Сайқал АҲМЕДОВ. Абул Баракот Насафий илмий мероси.....	22
Бахтиёр ТУРСУНОВ. “Маҳбуб ул-қулуб” асари шарқ панднома адабиётининг ноёб дурдонаси.....	24
Разия МАТИБАЕВА. Имом Абу Ҳанифанинг таълимга оид қарашлари.....	26
Нўъмонжон ТўРАЕВ. Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-Кабир” асаридаги жарҳга оид иборалар таҳлили (“Мункар ал-ҳадис” ибораси мисолида).....	28

### НОДИР МАНБАЛАР

Иброҳим УСМОНОВ. Ҳаким Термизий “Наводир ал-усул” асарининг қўлёзма ва нашрлари таҳлили.....	31
Масъудхон ИСМОИЛОВ. Хожа Муҳаммад Порсонинг шарқшунослик институтида сақланаётган асарлари.....	33
Барот АМОНОВ. Имом Бухорийнинг “Биррул Волидайн” асари қўлёзма нусхаси.....	35

### ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Ўткир АБДУЛЛАЕВ. Қадимий Ўрта Осиё аҳолисининг турли географик шароитда тарихий-маданий ривожланиш хусусиятлари.....	37
Музаффархон ЖОНИЕВ. Туркистон-Ҳижоз ҳаж йўллари (XIX аср охири – XX аср бошлари).....	39
Улугбек МАНСУРОВ. Фарғона водийси шаҳарларида тиббиёт тизимидаги ўзгаришлар (1917-1924 йиллар мисолида).....	42
Б. ДЕҲҚОНОВ. Хожагон-Нақшбандия тариқати намояндаларининг ижтимоий-ахлоқий ғоялари.....	45
Мумин ХОШИМХОНОВ. Машраб феномени: шоир, валий ёхуд девона?.....	47
Анваржон ҚАНДАҲАРОВ. XV-XVIII асрлар Мовароуннаҳрда яшаган Шайх Худойдодлар фаолияти.....	49
Қосимбек РАЗЗОҚОВ. Ҳиндистон заминига тасаввуф таълимоти кириб келишининг тарихий шарт-шароитлари .....	51
Феруз БОБОЕВ. Ўзбекистон ССРда Совет Ҳокимиятига қарши курали ҳаракатнинг моҳияти ва таснифи.....	53
Ўткир МАТТИЕВ. Афғонистон давлатчилиги тарихида Аҳмадшоҳ Дурронийнинг тутган ўрни.....	55
Бобир ЭШКУВАТОВ. Туркистон генерал-губернаторлигида христиан черкови фаолияти.....	57
Миржалолхон АСАТУЛЛАЕВ. Историко-философские учения Абу Насра аль-Фараби об управлении городом.....	59
Қаҳрамон ЯКУБОВ. Хива вақфномалари хонлик вақф тарихини ўрганишда қимматли манба сифатида.....	61

## МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Тамара ХЎЖАНОВА. Мафқуравий хавфсизликни таъминлашда ёш авлод масъулиятини ошириш ва уни такомиллаштириш.....	76
Юнус ХОЛИҚОВ. Глобаллашув жараёнида ёшларда бағрикенглик маданиятини шакллантириш масалалари.....	78
Баҳромжон МАМАДИЕВ. Фатволарнинг мусулмон давлатларидаги тартибга солувчи роли.....	80
Муҳаммадолим МУҲАММАДСИДДИҚОВ. Араб дунёсидаги диний ва сиёсий вазиятта ташқи кучларнинг таъсири.....	83

## ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Амина РЎЗИҚУЛОВА. Оила – никоҳ муносабатларида ислом ҳуқуқи манбаларининг тарбиявий аҳамияти .....	86
E'tibor MALLAYEVA. BMT tomonidan qabul qilingan konvensiya va dasturlarning siyosiy ahamiyati xususida.....	88
Эльза ШАМУРАТОВА. Қадрият тушунчаси ва унинг илмий нуқтаи назардан баҳоланиши.....	89
М. НОРМАМАТОВА. Шарқ мутафаккирлари илмий ижодида виртуалистика масалалари.....	92
Илҳом РИЗАЕВ. Ижтимоий тизимни системали ўрганишнинг методологик муаммолари.....	95
Журабек ХИДИРОВ. Туризм стратегик тараққиёт йўналишлари таркибида.....	97
Элёр АЛИМКУЛОВ. Диний рамзларнинг келиб чиқиши ва уларнинг ривожланиши.....	100
Қахрамон МАМАРАҲИМОВ. Миллий-маданий марказлар – миллатлараро муносабатларнинг ҳамкорлигининг ифодаси сифатида.....	102
Ҳусан ТЎХТАЕВ. Қишлоқ ҳудудларида фаровонликни оширишга қаратилган моддий ва маънавий омиллар.....	104
Гулчехра ДАДАМИРЗАЕВА. Ўзбекистонда хунармандчилик кооперацияси фаолияти.....	106
Парда НОРБЎТАЕВ. Этнография ва фольклоршунослик фанларининг ўзаро этнофольклор алоқадорлик мезонлари.....	109
Ҳабиба ОБЛОМУРАДОВА. Маърифат – барқарор ва изчил тараққиёт кафолати.....	111
Нодира СУЛТОНОВА. Алломаларимиз асарларида дўстлик ва меҳр-муҳаббат масалалари.....	113
Маҳмуд НАСРУЛЛАЕВ. Ўзбекистон – Туркия: ҳамкорликнинг янги даври.....	115
Дилдора МУРАТОВА. Шарқ анъанавий ва ғарб техноген цивилизацияларининг ўзига хослиги....	117

## ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Feruz MARDONOVA. Abdurahmon Jomiyning falsafiy qarashlarida diniy bag'rikenglik va umuminsoniy qadriyatlar .....	120
Иномжон АСАТУЛЛОЕВ. Эрих Фромм фалсафасида озодлик таҳлили.....	122
Доно ҚАЛАНДАРОВА. Шахс виртуаллашувининг фалсафий таҳлили.....	124
Баҳодир ҚАНДОВ. Глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг фалсафий-ҳуқуқий масалалари.....	125
Бобир КУЙЛИЕВ. Гегел тарих фалсафасида ориентализм мафқурасининг намоён бўлиш хусусиятлари...	128
Отабек ОРТИҚОВ. Ижтимоий-фалсафий мерос: талқини ва моҳияти.....	130
Сафар АБДУХОЛИҚОВ, Фазилат КУЧКАРОВА. Система ва структура диалектикасининг жамият ва ҳуқуқий борлиқда намоён бўлишининг баъзи хусусиятлари.....	132
Мушарраф САЛАХУТДИНОВА. Абу Наср Форобий асарларида шахс ва жамият муаммоси.....	133

# XV-XVIII АСРЛАР МОВАРОУННАХРДА ЯШАГАН ШАЙХ ХУДОЙДОДЛАР ФАОЛИЯТИ

Анваржон ҚАНДАҲАРОВ  
НавДПИ катта ўқитувчиси,  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD)

Ушбу мақолада XV-XVIII асрларда Мовароуннахр ҳудудида яшаган яссавия тариқатининг кўзга кўринган вакилларида бўлган бир нечта Шайх Худойдодлар ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар таҳлил қилинади.

**Таянч сўзлар:** тасаввуф, Кармана, хонақоҳ, яссавия, нақшбандия, маноқиб.

*In this article revealed the life and activity some of the Sheikh Khudoydods, who are well-known representatives of Tariqa (the way of Sufizm) Yassaviy in the area of Mavaraunnakhr in the XV-XVIII centuries.*

*В данной статье анализируется жизнь и деятельность нескольких Шейхов Худойдод из числа видных представителей тариката яссавия проживавших на территории Мавереннахра в XV- XVIII вв.*

Бугунги кунда Ватанимиз тарихи ҳамда аجدодларимиз меросини ўрганиш, ҳар томонлама илмий тадқиқ этиш, буюк алломаларимиз ҳаёти ҳамда ижодини ёш авлодга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу рағбат ўзбек халқи давлатчилигида муҳим ўрин тутган тарихий шахслар ва улар меросини чуқур ўрганишга кенг шароит яратмоқда. Президент Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти, муқаддас ислом дини ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган” [13: 1]. Бугунги глобаллашув даврида уларнинг илмий ва ижодий фаолиятини чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Асрлар давомида Мовароуннахр диёридан кўплаб тариқат пешволари, шайхлар ва Ислом дини уламолари етишиб чиқиб, улар диний билимларнинг ривожланиши ҳамда халқнинг руҳий-маънавий оламини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшдилар. Хусусан, Мовароуннахр ҳудудида фаолият юритган кўплаб тасаввуф шайхлари мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам муҳим ўринга эга бўлиб, улар тўғрисида кўплаб тарихий асарлар ва манбаларда ёзиб қолдирилган.

Марказий Осиёда тасаввуфнинг яссавия тариқати

кенг тарқалиб, ўзининг юқори даражасига эришган XV-XVIII асрларда бир қанча кўзга кўринган шайхлари фаолият юритган. Ана шундай шахсларидан Шайх Худойдод номли етук вакиллари алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шу ўринда “Шайх” атамаси хусусида маълумот берувчи асарлар таҳлили шуни кўрсатадики, тасаввуфга оид китобларда “Шайх” сўзи кекса ота, истилоҳда камолот даражасини эгаллаган киши маъноларида келади. Шайхлик шартлари эса қуйидаги шартлардан иборат бўлган: яъни пок эътиқодли, илмли, ўз аҳдида устувор, сахий, шижоатли, олийҳиммат, меҳрибон, ҳалим, кечиримли, латифхулқ, қўли очик, ҳимматли, мураббий, хирси йўқ, осойишта, салобатли, одобли киши бўлиши лозим. Демак, Шайх энг улуг инсон ва намуна учун яратилган мўътабар зот ҳисобланган. Унинг илм ва маърифатда бўлган камолоти барча муридларга намуна ва ҳақдан сўзлагувчи мухтарам шахс. Шайхнинг тарбиясини олган шогирд сўзсиз мансабларга эришади, камолот топади. Зеро, шайхнинг эътиқоди пок, илми тенгсиз, ҳиммати олий, хулқи намунавий, тарбияси ўткир. Шайх зоҳирда оддий кўринади, аммо ботинда ҳайбатли киши; ҳайбати эса унинг каромати ҳисобланган [1: 28].

Айрим ўлкашуносларимиз томонидан чоп этилган баъзи рисола ва мақолаларда Шайх Худойдодлар ҳаёти

Tel.: (0366) 240 2019

E-mail: buxoriy\_saboqlari@mail.ru

ва фаолияти билан боғлиқ айрим чалкашликлар ҳам кўзга ташланади. Аслида ўрта асрлар Мовароуннаҳр днёрида Шайх Худойдод номи билан танилган бир неча шахс турли даврларда яшаб ўтган. Булардан бири XIV-XV асрларда Амир Темур замонида яшаб ўтган ва қабри бутунги кунда Самарқанд вилояти Нуробод туманида жойлашган Шайх Худойкули (Худойдод) бўлиб, у ҳам Яссавия тариқати вакили ҳисобланган. Салоҳиддин Тошкандийнинг "Темурнома" асарида ушбу Шайх Худойдод билан боғлиқ айрим воқеалар тўғрисида кенгрок маълумот бериб ўтилади [8: 94].

Иккинчиси, карманлик Шайх Худойдод Валий (1461-1532) ҳаёти, фаолияти ва яссавия тариқатидаги хизматлари замондошлари ва ундан кейинги тадқиқотчилар асарларида маълум даражада ўз аксини топган. Кармана атрофларига келиб жойлашган Ортик Шайх хонадониди 1461 йилда Шайх Худойдод (Худойберди) Валий дунёга келади. Унинг дунёга келишида ҳам Валийлик сир-асрори воқиф бўлиб, тугилган кунидан бошлаб қирк кеча-кундуз вилонт осмони ёруғ бўлиб турганлиги тўғрисидаги ривоятлар тарихий манбаларда қайд этилган [7: 85].

Шайх Худойдод Валий илк сабоқни Карманда олади. Дастлаб Самарқанд шаҳрида жойлашган Жавзония ва Улугбек мадрасаларида (1477-1482), сўнгра Гюкдувон ҳамда Бухородаги Мулло Муҳаммад мадрасаларида яшаб, таълим олишни давом эттиради [5: 7]. Шайх Худойдод Валийнинг болалик ва ўсмирлик йиллари Кармана атрофларида ўтади. Кейинчалик Кармандан ҳам кўчиб кетишига унинг ботиний истаклари билан бирга айрим сиёсий воқеалар ҳамда маҳаллий беқлар билан муносабати ёмонлашганлиги ҳам сабаб бўлган. Ушбу воқеалар бирор-бир тарихий асарларда учрамаса-да, лекин у кинининг "Маноқиб"ларида қуйидагича келтирилади: "Кармана вилояти ҳукмдорлари менга нисбатан эътироз эдилар. Мен фитна бўлмасин деб Самарқанд вилоятига келдим"[10: 116]. Қўплаб мадрасаларда таълим олган Шайх Худойдод Валий диний ва дунёвий билимларни мустаҳкамлаб, 1484 йилда Яссавия тариқатининг кўзга кўринган вакиллари билан бири Шайх Жамолдин Азизонга (XV аср) шогирд тушади. У Бухоронинг Қалити (Қалтий) мавзесида истикомат қиларди. Қалити мавзеи Бухоро атрофларида жойлашган бўлиб, шаҳардан икки фарсах узоқликда бўлган" [11: 50].

Шайх Худойдод Валий 1484-1488 йиллар оралигида Карманга қайтиб, тариқат соҳасидаги фаолиятини давом эттиради. 1488-1492 йилларда Қариобда, 1492-1496 йилларда эса Самарқанд шаҳрининг Абу Лайс маҳалласида жойлашган хонақоҳ мадрасаларида тасаввуф илмидан дарс беради. Бу даврларда Шайх Худойдод Валий тариқатни ривожлантириш, ўз билимларини ошириш, шогирдлар тайёрлаш борасида самарали фаолият кўрсатди. У устози Шайх Жамолдин Хуросонга сургун қилинганидан кейин Шайх Худойдод Валий Мовароуннаҳрда пирининг издошлари билан 1484 йилдан бошлаб тариқатга ярим аср давомиди раҳбарлик қилиб, эликдан ортик шогирдлар тайёрлади. Абдураўф Фитрат ўз тадқиқотларида ёзишича, бу давр Яссавия тариқатининг ўзига хос даражада ривожланган даври ҳисобланган [12: 52]. Чунки темурийлар даврида тасаввуф жамиятида нақшбандийлик асосий ўрин эгаллаган бўлса, Мовароуннаҳрга XVI асрда Шайбонийлар келиб келганларидан сўнг улар яссавийлик тариқати ва унинг вакилларига алоҳида эътибор қаратган. Бу ҳолатлар албатта, кўчманчи туркий қабилаларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий дунёқараши билан узвий боғлиқ эди.

дадир. "Бир афт Қутби олам" ("Оламдаги буюк бир инсон кетди" деган маънода, абжод ҳисобида кўшиб ўқилса ҳижрий 939 келиб чиқади) вафотининг тарихидир" [2: 171].

Учинчиси, XVIII асрда яшаган Шайх Худойдод номи яна бир тасаввуф вакили бўлиб, унинг ҳам асли келиб чиқиши хоразмлик, у ҳам Яссавия тариқатининг пешволаридан ҳисобланган. Лекин тарихий манбалар унинг Бухорода тугилганлиги ва шу ерда вафот этганлиги кўрсатилади. Шу боис тадқиқотда бухоролик Шайх Худойдод (ваф. 1800 й.) ҳақида ҳам қисқа маълумот бериб кетиш лозим. Асл исми Шайх Худойдод ибн Мулло Тошмуҳаммад Азизон Бухорий бўлиб, Халифа Худойдод деб ҳам аталади. "Тухфат уз-зоирин"да ёзилишича, Халифа Худойдод Хоразмдан Бухорога келиб, Мир Араб мадрасасида таҳсил олади. Зоҳирий илмларни ўрганганидан сўнг Лутфуллоҳ Шайхга мурид бўлиб, ундан тариқат одоби ҳамда тасаввуф сабоқини ўрганади. Халифа Худойдод XVIII асрнинг сўнгги чорагида, мангитлардан амир Шохмурод (1785-1800) ҳукмронлиги йилларида Бухоро шаҳрига келади. У бу ердан ўн икки таноб ер сотиб олиб, тошдан хонақоҳ, унинг ёнида қирк ҳужрали мадраса, сардоба ва таҳоратхона қурдилади [9: 27]. Бу ёдгорликларнинг бир қисми ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Манбаларда келтирилишича, Халифа Худойдод мангит амирлари орасида юқори мавқега эга бўлган. Чунки бу даврда ҳам мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тасаввуф вакилларининг нуфузи юқори бўлганлигини ҳукмдорлардан Муҳаммад Раҳимхон, Дониёлбий оталик ва Амир Шохмуродларнинг нақибандия тариқати шайхларига мурид бўлиши ҳам тасдиқлайди [3: 11]. Бу даврга келиб яссавия тариқати фаолияти XVI асрдагига нисбатан бирмунча сусайган бўлсада, Халифа Худойдод каби вакиллари ўз қарашлари, гоҳлари ва илмий асарлари билан уни ривожлантириб давом эттирган.

Халифа Худойдод Шохмурод вафотидан олти ой ўтганидан сўнг (яъни 1800 йил 30 ноябрда) вафот этади. Унинг дафн маросимида амир Хайдар (1800-1825) ҳам иштирок этади. Халифа Худойдоднинг қабри ўзи қурдирган мадрасага яқин жойда бўлиб, у Эшон Имо (Эшон Имо – манбаларда "авлиёни охир замон" деб ҳисобланган 1760-1812 йилларда Бухорода яшаган тарихий шахс. "Тухфат аз-зоирин" асарида уни тасаввуф тариқатларидан тўртта сиёсета пири даражасига етган деб айтилади) қабри билан ёнма-ён жойлашган. Бу қабристонга мангит амирлари ва уларнинг айрим оила аъзолари ҳам дафн этилган. Шу боис амирлик даврида бу ер махсус сарбоз қаровуллари томонидан кўриқлаб турилган [4: 112]. Шунингдек, Халифа Худойдод қабри яқинида ўз даврининг кўзга кўринган уламоларидан Сўфи Хожа, Домло Омонулло, Хожа Оқундлар қабрлари ҳам жойлашган.

Халифа Худойдод шахси тўғрисида илмий доирада кўплаб мунозарали фикрлар мавжуд. Хусусан, О. Суҳраева маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқалган айрим ривоятларга таяниб, Халифа Худойдодни "Лутфи Бузург" қўлёзмасида келтирилган Шайх Худойдоднинг ўзи деган хулосага келади. Олима икки шайхнинг ҳаёти ва фаолияти бир-бирига ўхшайди ва уларнинг исмлари ҳам (тожик тилидаги Худойдод, ўзбек тилидаги "Худойберди") бир хил маънони билдиради деб таъкидлаб ўтади [4: 111].

Халифа Худойдод ҳаёти ва фаолияти ҳақида манбаларда жуда кам маълумотлар сақланиб қолган. У Яссавия ва Нақшбандия шайхларидан иршод олади ҳамда тасаввуф тариқатлари, фикҳ каби соҳаларга оид кўплаб асар-

асарлардан ажралиб туради. Халифа Худойдод ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ манбалардан аниқ бўлишича, бу даврда Бухоро ва унинг атрофларида асосан Нақшбандия тариқати вакиллари фаолият юритган ва давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга бўлиб, бу Яссавия тариқати вакиллари фаолиятига жиддий таъсир ўтказган ва тариқатлар ўртасида айрим ихтилофларни келтириб чиқарган. М. Исмоиловнинг тадқиқотларида айтилишича, Халифа Худойдоднинг “Бахр ал-улум” асари шу сабабли юзага келган ва унда Яссавия тариқатининг афзалликлари баён этилган [3: 19].

Бугунги кунда ҳам Карманга яқин айрим ҳудудларда Шайх Худойдод Валий номи билан боғлиқ манзиллар ва халқ орасида сақланиб қолган айрим ривоятлар мавжуд.

Улар Шайхнинг шу манзилларда яшаганлигидан гувоҳлик беради. Шунингдек, Шайх Худойдод номи билан боғлиқ манзилларни Бухоро атрофларида ҳам учратиш мумкин. Хусусан, Р. Г. Мукминова тадқиқотларида Бухоронинг Чорсу мавзесида Бобо Худойдод номи маҳалла ва масжид борлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд [6: 317]. Лекин бугунги таҳлиллар натижасида бу маҳалла ва масжидга XVIII асрда яшаган Шайх Худойдод номи берилган деган хулосага келинди.

Юқорида айтиб ўтилган маълумотлардан хулоса қилинганда, Мовароуннаҳр диёрида Шайх Худойдод номи билан боғлиқ ҳамда бир-бирига ҳаёти ва фаолияти жиҳатидан ҳам яқин бўлган уч нафар тарихий шахс яшаб, фаолият юритганлиги ойдинлашади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев А. Тасаввуф ва унинг намоянадалари. – Термиз, 2007.
2. Абу Тоҳирхожа. Самария (Самарқанд мазорлари зикри) / Форсчадан Абдулмўмин Сатторий таржимаси. – Т., 2009.
3. Исмоилов М. Шайх Худойдоднинг “Бахр ал-улум” асари Марказий Осиёда тасаввуф тарихига оид муҳим манба (XVIII асрнинг иккинчи ярми). Тарих фан. ном. дисс... автореф. – Т., 2006.
4. Йўлдошев Н. Бухоро авлиёлари тарихи. – БухДУ, 1988.
5. Каттаев К. Шайх Худойдоди Вали тарихи. – Самарқанд, 1995.
6. Мукминова Р. Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам “Вақф-наме”. – Т.: Наука, 1966.
7. Муҳаммад Олим ас-Содиқ ал-Алавий-Олим Шайх. Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс. Форсчадан К. Каттаев ва А. Нарзуллаевлар таржимаси. – Самарқанд: 2007.
8. Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. – Т.: Чўлпон, 1991.
9. Тухфат аз-заирин. Муҳаммад Насриддин ал-Ханафи ал-Хасани ал-Бухари. Перевод- Х. Тураев. – Т.: 2003.
10. Улуғ авлиё Шайх Худойдод Вали (Маноқиб) / Форс тилидан Сайфуддин Сайфуллоҳ таржимаси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
11. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт / Таржимон Худойберган ибн Бекмуҳаммад. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2004.
12. Фитрат. Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текшурушлар / Танланган асарлар. II-жилд. Илмий асарлар. – Т.: Маънавият, 2000.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 24 июнь.